

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

"РЎЙХАТГА ОЛИНДИ"

№ ВМ-343-53406-4.04

"1" июль 2003 й.

"ТАСДИҚЛАНДИ"

Ўзбекистон Республикаси

Олий ва ўрта махсус

таълим вазирлиги

"8" июль 2003 й.

**ЧЕТ МАМЛАКАТЛАР МОЛИЯСИ
фанидан
ДАСТУР**

Олий таълимнинг 340000 - "Бизнес ва бошқарув"

таълим соҳасидаги 5340600 - "Молия"

бакалаврият йўналиши учун

Тошкент - 2003

Тузувчилар: доц. Бурханов У.,
доц. Жумаев Н.

Такризчилар: проф. Ваҳобов А. В.,
доц. Ҳайдаров Н. Х.

Дастур чет мамлакатлар молия тизими ва уларда молия муносабатларини ташкил этиш ва бошқаришнинг асосий шакллари қамраб олган бўлиб, бакалавриятнинг "Бизнес ва бошқарув" соҳаси "Молия" йўналишидаги талабаларига мўлжаллаб тузилган. Унда маъруза, амалий (семинар) машғулотлар, мустақил таълим мавзулари ва ўрганиладиган саволлар, шу жумладан, катор ривожланган давлатларнинг молия тизими тараққиёти муаммолари ўз аксини топган. Дастурда фанни ўрганишга оид ўзбек, рус ва инглиз тилларида чоп этилган асосий ва қўшимча адабиётлар, иқтисодий газета ва журналлар рўйхати берилган. Дастурда шу билан бирга тегишли мавзуларга оид компьютер ўқув дастурлари, интернет тармоғи сайтлари рўйхати илова қилинган.

Данная программа составлена для студентов сферы "Бизнес и управление" бакалавриата по направлению "Финансы" и включает в себя изучение проблем финансовых систем зарубежных стран, основные формы и методы организации и управления финансовых отношений в этих странах. В нем нашли отражение темы лекционных, практических (семинарских) занятий, такие как, современные проблемы развития финансовой системы зарубежных стран, ее звеньев и т.д. В программе приведен список основной и дополнительной литературы на узбекском, русском и на английском языках, источники материалов из экономических журналов и газет. Вместе с тем программе приложена перечень компьютерных программ, сайтов сети интернета по соответствующим темам учебного курса.

Program includes the most important theme reflecting the main point of general forms of the International Economic Relations and is worked out considering all special ties end directions of baccalaureate in sphere of "Business and Management". lecture themes, practical studies, seminars and self – educated questions including questions of foreign economic policy and foreign economic affairs of the Republic of Uzbekistan are observed in it.

Program consist of list of main and additional literature, economic news – papers and margarines, including also necessary English literature. As an appendices presented list of computer educational programs, internet web – sites and electronic training aids.

Дастур Тошкент молия институти Илмий Кенгашида муҳокама қилинган ва нашрга тавсия этилган (2003 йил 25 апрель 9-сонли баённома).

Дастур Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги олий ўқув юртлариаро илмий-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи Кенгаш мажлисида муҳокама қилинган ҳамда нашрга тавсия этилган (2003 йил 1 июль 37-сонли мажлис баёни).

1. СЎЗ БОШИ

Фанни ўқитишнинг мақсади ва вазифалари, бошқа фанлар билан ўзаро боғланиши

"Чет мамлакатлар молияси" фанини ўқитишнинг мақсади - келгусида юқори малакали иқтисодчи-мутахассислар бўлиб етишадиган талабалар учун чет мамлакатлар ва унинг тузилиши ҳақида назарий билимлар бериш, уларда давлатнинг ҳозирги даврдаги молия сиёсатининг асосий йўналишлари бўйича асосий қўникмалар ҳосил қилишдан иборат. Ушбу мақсаддан келиб чиқиб фан ўз предметини ўргатиш учун қуйидаги вазифаларни қўяди:

- молиянинг тизимининг ижтимоий-иқтисодий моҳияти ва аҳамиятини ўрганиш;
- молияни бошқаришнинг ташкилий асосларини ўрганиш;
- микро ва макро даражада молиянинг амал қилишини ўрганиш;
- чет давлатлар бюджети даромадлари ва таркибини ўрганиш;
- бюджет камомадининг ижтимоий-иқтисодий мазмуни ва уни пасайтириш имкониятларини ёритиш;
- жамият ижтимоий-иқтисодий ривожланишида молиянинг аҳамияти, уни таҳлил қилиш.

"Чет мамлакатлар молияси" фанини ўрганиш учун "Иқтисодиёт назарияси", "Молия", "Корхоналар молияси", "Солиқ ва соликка тортиш", "Суғурта", "Давлат бюджети" каби фанларда олинган билимлар муҳим назарий асос бўлиб хизмат қилади.

Шу билан бирга "Чет мамлакатлар молияси" фани қатор махсус фанлар, жумладан, "Маҳаллий бюджетларни шакллантириш ва бошқариш", "Нобюджет фондлар", "Халқаро молия муносабатлари", "Молия бозори", "Молия менежменти", "Қимматли қоғозлар бозори ва биржа иши" ва ҳ.к. фанлар учун муҳим назарий-услубий асос бўлиб хизмат қилади.

Олий таълим йўналиши ёки мутахассислиги давлат таълим стандартига (ДТСга) мувофиқ равишда ўқув фани бўйича билим, кўникма ва малакаларига талаблар

Ушбу фанни ўрганиш жараёнида талабалар тегишли билимга, уқувга ва кўникмаларга эга бўлишлари лозим. Талабалар умумназарий фанлардан олган билимлари билан бир қаторда халқаро молиявий қонунчилик, оммавий-ахборот воситалари орқали халқаро миқёсдаги кундалик молиявий ўзгаришлардан хабардор бўлишлари лозим. Мазкур фаннинг асосий ғояларини тўла ва муваффақиятли ўрганиш учун талабалар халқаро молия амалиётида мавжуд иқтисодий таҳлил, молиявий режалаштириш усулларидан фойдалана билишлари лозим.

"Чет мамлакатлар молияси" фанидан олинган билимлар талабаларни олий ўқув юртини тамомлагандан сўнг, халқаро молия амалиётига оид кундалик фаолиятда учрайдиган долзарб амалий масалаларни ечишда ҳамда халқаро молия муносабатларига доир адабиётларни ўрганиб, малакаларини оширишларида кўл келади.

Амалий, семинар ва лаборатория машғулоти бўйича бажариладиган ишлар минимал миқдорига талаблар

Ишчи ўқув дастурида келтирилган амалий (семинар) машғулотлар мавзулари бўйича талабалар тегишли мавзулар бўйича конспектлар олади, рефератлар ва мустақил ишлар тайёрлайди ҳамда амалиёт ўқитувчиси назоратида улар юзасидан оғзаки суҳбатдан ўтади. Ушбу талаблар амалий машғулотлар мавзуларида курсив билан кўрсатилган саволлар бўйича талабаларнинг тўлиқ ўзлаштиришларини белгилайди.

Аудитория машғулоти турларининг соатлар ҳажми (фоизларда) бўйича тавсиялар

Олий касбий таълимнинг давлат стандартларида мазкур курсга 75, шу жумладан 30 - маъруза, 20 - амалий машғулотлар ва 25 мустақил таълим соатлари ажратилган. Ушбу фан бўйича дарсларни ташкил этиш VIII семестрга мўлжалланган.

Талабалар билимини баҳолаш учун ўтказиладиган назорат тадбирлари миқдори

Ушбу фан бўйича талабаларнинг ўзлаштириш даражасини баҳолаш ўқув рейтинг тизими бўйича жорий, оралиқ ва якуний баҳолашлар давомида йиғилган баллар асосида амалга оширилади.

Фанни ўқитишда бир семестр давомида икки маротаба жорий (семинар машғулотида), икки маротаба оралиқ (маъруза машғулотида) ва бир маротаба якуний баҳолаш (ёзма иш усулида) амалга оширилади.

Компьютер, информацион ва бошқа замонавий ўқитиш технологияларини қўллаш

Ушбу фанни ўқитиш жараёнида янги технологиялардан фойдаланиш имкониятларини қуйидагилар билан асослаш мумкин:

- тегишли ўқув мақсадларини ишлаб чиқиш технологиясининг мавжудлиги;
- тўла ўзлаштириш технологиясининг қўзда тутилганлиги;
- ўқув мақсадларини назорат (тест) топшириқларига ўтказиш технологияси мавжудлиги;
- тест топшириқларининг инвариантлиги методологияси ва назариясидан фойдаланилиши;
- ҳақиқатни иммитацион моделлаштириш асосларидан фойдаланилиши;
- таянч ибораларга асосланган ёзма иш орқали назорат ишларини ўтказиш тизимидан фойдаланилиши.

Бу фанни ўқитишда молия соҳасига тегишли қонунлар, ҳукумат қарорлари, молиявий ҳисоб-китобларнинг автоматлаштирилган тизими ("Молия" АИЖ) дастури, низомлар ва молиявий лойиҳаларни баҳолашнинг ЮНИДО ва "Projectexpert" компьютер дастурларидан, янги компьютер технологияларидан, тарқатма материаллардан, тестлар тўпламидан ҳам фойдаланиш мумкин.

Ишчи дастурни тузишга оид услубий тавсиялар

Мазкур фан "Молия", "Касб таълими" бакалавр таълим йўналишлари бўйича мутахассисларга тегишли тарзда 8-семестрда ўтилиши мўлжалланган.

Ушбу фан бўйича ишчи дастурларини тузишда қуйидагиларга эътибор бериш лозим:

- Ишчи дастурда фан бўйича бакалаврият босқичининг тегишли йўналишлари бўйича тасдиқланган ўқув режасига мувофиқ ажратилган соатлар ҳисобга олиниши зарур;
- Ишчи дастурида ҳар бир мавзуга оид ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар ҳамда тегишли молиявий қонунчилик асосидаги янги талаб ва ўзгаришлар талабалар эътиборини жалб этувчи тарзда берилиши керак;
- Ишчи дастурда мустақил ўзлаштириладиган мавзулар ва саволлар ажратилиб кўрсатилиши зарур;
- Ишчи дастурда ўқитишнинг илғор технологиялари, дастурий таъминот имкониятлари ҳамда талабалар билими даражасини назорат қилишнинг рейтинг тизими талабларидан келиб чиқувчи вазифалар ҳам ёритилиши лозим.

2. ФАН ДАСТУРИ

"Чет мамлакатлар молияси" фани бўйича ўқиладиган мавзулар:

Курснинг предмети ва мазмуни

Чет мамлакатлар молияси фанининг предмети, вазифаси ва таркиби. Молиявий муносабатларни ўзаро боғлиқликда ва алоқадорликда ўрганиш. Молиянинг ижтимоий ривожланиш жараёни билан боғлиқлиги. "Чет мамлакатлар молияси" фанининг бошқа фанлар билан алоқаси. Юқори даражадаги малакали кадрлар тайёрлашда, илмий ва иқтисодий фикр юритишда "Чет мамлакатлар молияси" фанининг роли ҳамда аҳамияти.

Россия молия тизимининг ўзига хос хусусиятлари ва молиявий ислохотлар

Россия ялпи ички маҳсулоти ва миллий бойлигининг бир қисмининг тақсимланиши ва қайта тақсимланишида давлат молиясининг роли. Давлат молиясининг звенолари, уларнинг ўзаро боғлиқлиги. Давлат молиясининг ижтимоий ишлаб чиқаришга таъсири. Давлат даромадлари мазмуни. Россияда давлат даромадларининг шаклланиш манбалари. Давлат харажатлари, уларнинг таркиби. Россия давлат бюджети ва бюджет қурилиши. Россия давлат бюджети даромадлари ва харажатлари, уларнинг таркиби ва туркумланиши. Россияда бюджет жараёни. Россия солиқлари. Россияда солиққа тортишнинг ўзига хос томонлари. Россия солиқ тизими ва солиқ сиёсати. Россиянинг бюджетдан ташқари фондлари. Бюджетдан ташқари фондларнинг молия бозоридаги иштироқи. Давлат кредитининг ижтимоий-иқтисодий мазмуни. Давлат кредитининг бошқа молиявий категориялар билан боғлиқлиги. Россия Давлат заёмларининг гуруҳланиши. Давлат кредити шакллари ва турлари. Давлат қарзларини тартибга солиш, уни амалга ошириш йўллари. Давлат қарзларини бошқариш. Давлат қарзи бўйича фоизларни тўлаш. Маҳаллий молия. Маҳаллий молиянинг ижтимоий-иқтисодий моҳияти. Худудий сиёсатни олиб боришда маҳаллий молиянинг роли. Маҳаллий молиянинг таркиби ва ривожланиш босқичлари. Умумдавлат харажатларини молиялаштиришда маҳаллий молиянинг тутган ўрни. Маҳаллий бюджетлар – маҳаллий молия тизимида асосий звенодир. Маҳаллий бюджет тақчиллиги. Маҳаллий бюджет даромадлари, уларнинг таркиби ва туркуми. Маҳаллий солиқлар – даромадларни жалб этишнинг асосий усулидир. Маҳаллий солиқларнинг турлари, уларнинг моҳияти. Маҳаллий бюджет даромадларида эгри солиқларнинг тутган ўрни. Маҳаллий бюджет харажатлари, уларнинг таркиби ва туркуми. Маҳаллий ҳокимият органларининг заёмлари, уларнинг моҳияти ва аҳамияти.

АҚШ молия тизими

Иқтисодиётни бошқариш жараёнида молиядан асосий восита ва курул сифатида фойдаланиш имкониятлари. *АҚШ иқтисодиётини тартибга солишда молия.* Ижтимоий тараққиёт жараёнларига молиянинг таъсири. Молия тизими мазмуни. Молия тизими бўғинлари: давлат бюджети, маҳаллий молия, давлат корхоналари молияси, ҳукуматнинг махсус фондлари. *АҚШ давлати даромадлари ва харажатлари тизими.* Давлат даромадларининг моддий асослари: ялпи ички маҳсулот, миллий даромад, миллий бойлик. Маблағлар жамланишининг молиявий шакллари. Асосий даромад турлари: солиқлар, заёмлар, пул эмиссияси. *Молия тизимининг звенолари, даромадлари ва ҳажаратлари.*

АҚШда молияни бошқариш тизими ва бюджет жараёни

Давлат молиясининг мазмуни. Давлат молиясининг звенолари, уларнинг ўзаро боғлиқлиги. Давлат бюджетининг моҳияти ва функциялари. Давлат ижтимоий сиёсатини юритишда давлат бюджетининг роли. *АҚШ давлат бюджетининг таркиби.* Бюджет тақчиллиги. *АҚШ давлат бюджетининг даромадлари.* АҚШ солиқ тизими. Федерал солиқлар. *Маҳаллий бошқарув органлари молияси.* Маҳаллий солиқлар. Тўғри ва эгри солиқлар. АҚШ давлат корхоналари молияси. Давлат корхоналари турлари. *АҚШда давлат кредитининг хусусиятлари ва шакллари.* Ссуда капитали бозорида давлатнинг роли. Ҳозир замон давлат кредити турлари. Давлат кредити-давлатнинг такрор ишлаб чиқариш жараёнига аралашувининг бир кўринишидир. Давлат кредитининг солиқлар билан алоқаси. Давлат заёмларининг туркумланиши. Бюджет тизими ва бюджет жараёни. Бюджет лойиҳасини тузиш, кўриб чиқиш ва тасдиқлаш. *Бюджетнинг бажарилиши, бюджет ижроси бўйича ҳисобот ва унинг тасдиқланилиши.*

Англия молия тизими

Англия иқтисодиётининг ривожланишида молиянинг роли. Молия тизими тушунчаси, молия тизимининг бўғинлари. Молия бўғинларига тавсиф. *Англия давлатининг даромадлари ва харажатлари тизими.* Давлат даромадларининг моддий асослари: ялпи ички маҳсулот, миллий даромад, миллий бойлик. Даромадларнинг асосий турлари. *Англия давлат харажатлари, уларнинг таркиби.* Давлат харажатларининг хусусиятлари.

Англияда молияни бошқариш тизими ва бюджет жараёни

Давлат бюджетининг моҳияти ва функциялари. *Англия ижтимоий сиёсатини юритишда давлат бюджетининг роли.* *Англия давлат бюджети даромадлари.*

Бюджет даромадларининг солиқли ва солиқсиз тўловлари. Англия солиқ тизими. *Англия давлат бюджети харажатлари.* Харажатларнинг асосий турлари. *Бюджет жараёни.* Молиявий бошқариш ва молиявий назорат. *Англияда давлат кредити.* Давлат кредити иқтисодий ва молиявий категория сифатида. Англияда давлат кредити муносабатлари, уни амалга ошириш тартиби. Давлат қарзи тушунчаси. Марказий ҳукумат ва маҳаллий бошқарув органлари қарзларининг динамикаси. *Давлат қимматли қозғозлар бозори.* *Англияда давлат корпорациялари молияси.* *Давлат корпорациялари даромадлари ва харажатлари, уларни таркиби, туркуми.* Давлат корпорацияларининг давлат ва маҳаллий бюджетлар билан боғлиқлиги.

Германия молия тизими

Германия иқтисодиётининг ривожланишида молиянинг роли ва аҳамияти. *Германия молия тизими тушунчаси.* *Германия молия тизими ва унинг звенолари.* Молия тизими звеноларининг ижтимоий–иқтисодий аҳамияти, уларнинг иқтисодиёт ривожланишида тутган ўрни. *Германия давлат даромадлари ва харажатлари тизими.* Давлат даромадларининг моддий манбалари. Солиқлар-даромадларнинг асосий манбаи эканлиги. *Давлат харажатларининг мазмуни, хусусиятлари ва таркиби.*

Германия Марказий банкнинг молия тизимидаги ўрни

Давлат бюджетининг моҳияти ва функциялари, бюджетнинг роли. Бюджетни тузиш, кўриб чиқиш ва тасдиқлаш. Бюджет ижроси. Бюджет ошиқчалиги ва тақчиллиги. *Германия давлат бюджет даромадлари.* Бюджет даромадларининг солиқли ва солиқсиз тўловлари. Ҳозирда солиқ ва солиққа тортишнинг ўзига хос томонлари. Давлатнинг солиқ сиёсати. Солиқлар ёрдамида бошқариш. *Бюджетдан ташқари фондлар.* Бюджетдан ташқари фондларнинг даромадлари ва харажатлари. Германия банк тизими. *Германияда давлат корхоналари молияси.* Давлат корхоналари молиясининг ижтимоий-иқтисодий моҳияти ва унинг иқтисодиёт ривожланишида тутган ўрни. Молия тизимида давлат корхоналари молиясининг тутган ўрни. *Давлат корпорациялари ва уларга тавсиф.*

Франция молия тизими

Молия тизими тушунчаси. Франция молия тизими ва унинг бўғинлари. Франция молия тизими бўғинларининг ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий аҳамияти. Давлат харажатлар тизими. Харажатларнинг давлатнинг юзага келиши ва табиати билан боғлиқлиги. Давлат даромадлари тизими. Давлат даромадларининг моддий манбалари. Маблағларнинг вужудга келишида молиявий усуллар. Даромадларнинг асосий турлари.

Францияда давлат бюджетининг моҳияти. Давлат бюджетининг функциялари. Франция давлат сиёсатини юритишда бюджетнинг роли. Ҳозирги босқичда давлатнинг бюджет сиёсати. Франция давлат бюджети таркиби. Бюджет жараёни ва унинг босқичлари. Франциянинг солиқ тизими. Давлат компаниялари молияси. Маҳаллий молия. Регионал сиёсат олиб борилишида маҳаллий бюджетнинг роли.

Европа суғурта бозори

Европа суғурта бозорининг таркибий тузилиши. Суғурта компаниялари. Европа суғурта бозорининг жаҳон суғурта бозоридаги ўрни. Суғурта компанияларининг инвестициялари. Экспортни суғурталаш. Европа суғурта бирлашмалари. Қайта суғурталаш.

Япония молия тизими

Японияда давлатнинг ижтимоий-иқтисодий сиёсатини юритишда молиянинг роли. Япония молия тизими ва унинг звенолари. Молия тизими звеноларига тавсиф. Давлат даромадлари тизими. Маблағларнинг вужудга келишида молиявий усуллар. Давлат харажатлари тизими. Харажатларнинг давлатнинг юзага келиши ва табиати билан боғлиқлиги.

Япония давлат бюджетининг моҳияти. Ялпи ички маҳсулот қийматини қайта тақсимлашда бюджетнинг роли. Бюджет давлатнинг иқтисодиётга аралашувидаги асосий қурол ҳисобланиши. Япония давлат бюджети таркиби. Ҳозирги босқичда давлатнинг бюджет сиёсати. Бюджет жараёни ва унинг босқичлари. Молиявий бошқариш. Япония солиқ тизими. Солиқларнинг давлат учун аҳамияти. Япония солиқ сиёсати. Тўғри солиқлар ва уларнинг турлари. Тўғри солиқларга тавсиф. Эгри солиқлар ва уларнинг турлари. Эгри солиқларга тавсиф. Махсус фондлар ва махсус счетлар.

3. АМАЛИЙ ВА СЕМИНАР МАШҒУЛОТЛАРИ, ЛАБОРАТОРИЯ ИШЛАРИ, ЧИЗМА-ҲИСОБ ИШЛАРИ, КУРС ИШ (ЛОЙИҲА)ЛАРИ МАВЗУЛАРИНИНГ НАМУНАВИЙ РЎЙХАТИ

Амалий (семинар) машғулотлари мавзулари рўйхати

Курснинг предмети ва мазмуни

Иқтисодий фанлар тизимида молия фанининг тутган ўрни. Курснинг предмети ва вазифаси*. Молия соҳаси йўналиши учун юқори малакали кадрлар тайёрлашда "Чет мамлакатлар молияси" фанининг роли*.

Россияда микроиқтисодий доирада молиянинг амал қилиши

Россияда фаолиятнинг турли соҳаларида молиянинг амал қилиши*. Россияда тижорат фаолияти асосида иш юритувчи корхоналар молияси. Нотижорат асосда фаолият юритувчи ташкилотлар ва муассасалар молияси. Россиянинг жамоат ташкилотлари молияси*.

Россияда макроиқтисодий доирада молиянинг амал қилиши

Давлат молияси. Давлат бюджети. Бюджет қурилиши ва бюджет* жараёни. Бюджетдан ташқари фондлар*. Давлат кредити. Маҳаллий молия*.

АҚШ молия тизими

Молия тизими мазмуни ва тушунчаси*. Молия тизими звенолари ва уларга тавсиф. АҚШ давлат даромадлари ва харажатлари тизими*.

АҚШ молиясини бошқариш ва бюджет жараёни

Давлат бюджетининг моҳияти ва функцияси. АҚШ давлат бюджетининг таркиби ва туркуми*. АҚШ бюджет жараёни*. АҚШ солиқ тизими. АҚШ давлат корхоналари молияси*. АҚШда давлат кредити.

Англия молия тизими

Англия иқтисодиёти ривожланишида молиянинг роли*. Англия молия тизими*. Англия молия тизими бўғинлари.

Англия молиясини бошқариш ва бюджет жараёни

Молиявий бошқариш ва бюджет жараёни*. Англиянинг давлат харажатлари*. Англия давлат корпорациялари молияси. Англия Давлат кредити.

Германия молия тизими

Германия давлат молиясининг мазмуни*. Германия молия тизими бўғинлари ва уларга тавсиф*. Молия тизими бўғинлари даромадлари.

Германия бюджет жараёни ва молиявий бошқариш

Германия бюджет жараёни*. Германия давлат бюджети*. Германия солиқ тизими. Германия давлат корхоналари молияси.

Франция молия тизими

Молия тизими тушунчаси ва унинг асосий звенолари*. Давлат даромадлари тизими*. Давлат харажатлари тизими*. Бюджет жараёни ва молиявий бошқариш*.

Давлат бюджети ва унинг таркиби. Франция солиқ тизими*. Давлат корхоналари молияси*.

Европа суғурта бозори

Европа суғурта бозорининг таркибий тузилиши. Суғурта компаниялари. Европа суғурта бозорининг жаҳон суғурта бозоридаги ўрни*. Суғурта компанияларининг инвестициялари. Экспортни суғурталаш*.

Япония молия тизими

Японияда давлат ижтимоий-иқтисодий сиёсатини юритишда молияни роли*. Япония молия тизими ва унинг звенолари*. Давлат даромадлари ва харажатлари тизими*.

Япония бюджет жараёни ва молиявий бошқариш

Япония бюджет жараёни*. Япония давлат бюджети.* Япония солиқ тизими. Япония махсус фондлари.*

4. ТАВСИЯ ЭТИЛАЁТГАН МАВЗУЛАР БЎЙИЧА КЎРГАЗМА- НАМОЙИШ МАТЕРИАЛЛАРИ РЎЙХАТИ

Ўқув жараёнини ташкил этишда мавзуларни кўргазмани воситалардан, слайдлар, диапроектор ва жадваллардан фойдаланиш асосида ўрганиш кўзда тутилган. Айрим аниқ масалаларни ўрганишда шахсий компьютерлардан фойдаланиш тавсия этилади.

Таҳлиллар, прогнозли кўрсаткичларни ҳисоблаш, диаграммаларни персонал компьютерда электрон таблицаларда excel 7,0 пакети билан ишлаш асосларини ўрганиш.

Персонал компьютерда "право" тизимида ишлашни ўрганиш ва ўқиш жараёнида ундан фойдаланиш.

Case Studies: Ўзбекистон Республикаси макроиқтисодий таҳлиliga доир ўқув мисоллари (рус тилида). Очик жамият институти хомийлигида Иқтисодий Марказ томонидан тузилган.

Масофавий ўқитиш соатлари: WWW.google.ru (Будапешт, Европа Марказий Университети дастурлари); WWW.yandex.ru; WWW.rambler.ru; WWW.worldbank.org.ru; WWW.imf.org.

Компакт диск: Sales information. International Monetary Fund – Publication Services; Exchange Rate Analysis with a Case Study on Poland.

Статистика тўпламлари: Социально-экономическое положение Республики Узбекистан за 2000, 2001, 2002 г.

5. ЎЗЛАШТИРИШ НАЗОРАТИ

Талабаларни фан бўйича ўзлаштиришларини баҳолаш семестр давомида мунтазам равишда олиб борилади ҳамда қуйидаги турлар жорий, оралиқ ва якуний баҳолаш орқали амалга оширилади; жорий ва оралиқ баҳолаш турига ажратилган баллар миқдори ўқув режасида фанга ажратилган соатнинг 70%, якуний баҳолашга эса 30% миқдорда белгиланади. Жорий ва оралиқ баҳолаш турларига белгиланган баллар қуйидаги ҳолатларда қўйилади:

- талабанинг ўқув жараёнидаги давомати ва фаоллиги;
- амалий (семинар) машғулотларга тайёргарлик даражаси;
- фан бўйича асосий манбаларни конспектлаштириши;
- долзарб мавзулар бўйича рефератлар ёзиши;
- илмий тезислар тайёрлаши;
- мустақил таълим учун берилган назорат ишларини бажариши;
- фан бўйича кўргазмаларни қўйиладиган тайёрлаши.

Таянч тушунчаларига асосланган ёзма ишни ўтказиш тартиби "Рейтинг тизимини якуний баҳолаш босқичида "Ёзма иш" усулини татбиқ этиш бўйича Намунавий Низом" билан белгиланади. Семестр давомида фанлар бўйича тўплаган баллар қуйидаги ўзлаштириш кўрсаткичлари билан баҳоланади:

- 86 - 100 фоиз "аъло";
- 71 - 85 фоиз "яхши";
- 55 - 70 фоиз "қониқарли";
- 55 фоиздан кам "қониқарсиз".

6. АДАБИЁТЛАР

Асосий адабиётлар

1. Абрамова А.М., Александрова Л.С. Финансы, денежное обращение и кредит: Учеб. пос. -М., 1999.
2. Авдокушин Е.Ф. Международные экономические отношения. Учеб. пос. -М.: 2001.
3. Дж. Менвиль Харрис. Международные финансы. -М., 1996.
4. Дробозина Л.А. Общая теория финансов. -М.: Банки и биржи, 1999.
5. Ершов М.В. Валютно-финансовые механизмы в современном мире. -М.: ОАО МПО, 2001.

6. Мировая экономика и международные экономические отношения. Уч.пос. под ред. Акоповой Е.С. - М.: Феникс, 2001.
7. Международные экономические отношения. Уч. под ред. Ливенцева Н.Н. - М.: Финансы и статистика, 2001.
8. Международные финансовые отношения. Уч. под ред. акад. Сенчагова А. Г. - М.: Финансы и статистика, 2001.
9. Преобразование финансовой системы в Республике Казахстан. Вашингтон-Алматы-Манила, 1997.
10. Постников С.Л. Мировая экономика и экономическое положение России. Статистический сборник. -М.: Диалог, 2001.
11. Стрыгин А.В. Мировая экономика – М.: Экзамен, 2001.
12. Сумароков В.Н. Государственные финансы в системе макроэкономического регулирования, -М.: Финансы и статистика, 1996.

Қўшимча адабиётлар

1. Дж. К. Ван Хорн, Основы управления финансами, Под ред. проф. Соколова Я.В., -М.: Финансы и статистика, 1996.
2. Ковалев В.В., Финансовый анализ - управление капиталом, выбор инвестиций, анализ отчетности. -М.: Финансы и статистика, 1996.
3. Кратко И.Г. Международная предпринимательство. Учеб. пос. -М.: 2001.
4. Курочкин Д.Н. Евро - новая валюта Старого Совета. -М.: 2000.
5. Кутафин О.Е., Фадеев В.И. Муниципальное право Российской Федерации. -М.: Юристъ, 1997.
6. Ларионов И. К., О некоторых вопросах социально-экономической стратегии и финансовой политики. "Финансы", 1997.
7. Лившиц А.Я., Основные ориентиры финансовой политики// "Финансы", 1997.
8. Лободенко Н. В., Аудит и диагностика банкротства// "Финансы", 1997.
9. Мировая экономика. Экономика зарубежных стран. Под. ред. проф. В.П. Колесова и др. –М.: Флинта, 2001.
10. Сумароков В.Н. Государственные финансы в системе макроэкономического регулирования, -М.: Финансы и статистика, 1996.